

## ТАРБИЯ, ФАН ВА ТАЪЛИМ ДИАЛЕКТИКАСИ

**МАМАДАЛИЕВ ШАВКАТБЕК ОЛМАСБАЕВИЧ**

фалсафа фанлари доктори, professor

**Аннотация** - Ушбу мақолада тарбия, фан ва таълим диалектикаси таҳлил қилинади. Ушбу муаммога метафизик ёндашувнинг номувофиқлиги оқланади. Диалектик усулнинг табиати очиб берилади. Мақола муаллифи нуқтаи назаридан фансиз таълим бўлмайди ва фан ахлоқ ва тарбия доирасида ишлаши керак. Илм - фан ва инсонпарварлик бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва бир-бирига боғлиқдир. Таълим ва тарбиянинг ҳаракатлантирувчи кучи фандир. Бинобарин, илмий тараққиёtsiz ижтимоий ривожланиши бўлмайди.

**Таянч тушунчалар:** фан, таълим, тарбия, диалектика, илмий кашфиётлар, ватанпарварлик, ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини ҳурмат қилиш, ўз-ўзини такомиллаштириш, ахлоқ, егосентризм, методология, таълим шакллари, рейтинг, назария, амалиёт, уйғониш даври.

## ДИАЛЕКТИКА ВОСПИТАНИЯ, НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ

**Аннотация** - В данной статье анализируется диалектика воспитания, науки и образования. Обоснуется несостоятельность метафизического подхода к данной проблеме. Раскрывается природа диалектического метода. С точки зрения автора статьи без науки нет образования, а наука должна функционировать в рамках морали и воспитания. Наука и гуманизм неразрывно связаны между собой и зависят друг от друга. Движущей силой образования и воспитания является наука. Следовательно, нет общественного развития без научного прогресса.

**Ключевые слова:** наука, образование, воспитание, диалектика, научные открытия, патриотизм, самовоспитание, самооценка, самосовершенствование, мораль, эгоцентризм, методика, формы обучения, рейтинг, теория, практика, ренессанс.

## THE DIALECTIC OF UPBRINGING, SCIENCE AND EDUCATION

**Annotation:** This article analyzes the dialectics of upbringing, science and education. The inconsistency of the metaphysical approach to this problem is justified. The nature of the dialectical method is revealed. From the point of view of the author of the article, there is no education without science, and science must function within the framework of morality and upbringing. Science and humanism are inextricably

*linked and depend on each other. The driving force of education and upbringing is science. Consequently, there is no social development without scientific progress.*

**Key words:** *science, education, upbringing, dialectics, scientific discoveries, patriotism, self-education, self-esteem, self-improvement, morality, egocentrism, methodology, forms of education, rating, theory, practice, renaissance.*

Тарбия, фан ва таълимга оид илмий фундаментал асарларда нима бирламчи тарбия, фан ёки таълим- ? деган табиий саволга умумэтироф этилган таъриф мавжуд эмас. Ҳозирда тарбия, фан ва таълимга нисбатан метафизик қарашлар устувор аҳамият касб этмоқда. Бунга сабаб, “диалектика” тушунчасини илмий фундаментал тадқиқотларда қўлланилмаётгани ҳамда диалектикага марксизм ва ленинизм маҳсули сифатида қарашнинг сақланиб қолаётганлигидир. Тарихий ҳақиқат эса диалектика тушунчаси антик даврда грек ва рим файласуфлари асарларида қўлланилганидан далолат беради<sup>1</sup>.

Қадимги давр грек файласуфи Гераклит “диалектика ҳамма нарсада ва ҳамма жойда ҳукмронлик қилади”<sup>2</sup> деган афоризмни илгари сурган. Ушбу фикр айтилганига икки ярим минг йилдан зиёд вақт ўтган бўлсада у ҳозиргача долзарб аҳамият касб этади. Фанда Гераклит стихияли диалектика, Демокрит материалистик диалектика, Аристотель логика диалектикасини, Платон идеалистик диалектикани асосчилари сифатида, янги давр немис файласуфлари Гегель идеалистик диалектикани, Маркс материалистик диалектикани ривожлантирганлиги умумэтироф этилган. Демак, диалектика барча соҳаларда амал қилади ва унга марксизм ихтироси сифатида ёндашиш хатодир.

Марксизм давлат мафқураси мақомини йўқотгандан сўнг айрим тадқиқотчилар диалектикани синергетика билан алмаштиришга ҳаракат қилишди.<sup>3</sup> Аммо, сунъий тиллар табиий тиллар ўрнини боса олмаганидек, синергетика диалектикани ўрнини эгаллай олмади. Аслида диалектикани инкор этиш фанни инкор этиш, дилетантизмга йўл очиш, буюк мутафаккирларнинг асарларини исбот ва далилсиз инкор этиш каби ноилмий ёндашувдир. Диалектика инсоният яратган буюк кашфиётлардан, у мафкура эмас балки илмий билишнинг умумилмий методидир. Шу боис, тадқиқот ишларида диалектика имкониятларидан жумладан тарбия, фан ва таълим диалектикасини тадқиқ этишда ҳам рационал фойдаланиш зарур.

**Тарбия, фан ва таълим диалектикаси** дейилганда, тарбияни фандан, фанни таълимдан ажратиб бўлмаслик, уларни бирини иккинчисига қарама қарши қўймаслик назарда тутилади.

<sup>1</sup> Қаранг: История политических и правовых учений. М, 2003.

<sup>2</sup> Ўша жойда стр46.

<sup>3</sup> Тафаккур журнали Т. 2002 3-сон, 4-96бет.

Аммо, амалиётда ушбу тушунчаларни бирини иккинчисидан устун кўйиш ёки айри тутиш ҳолатлари кузатилади. Педагогига фанининг етук вакилларида бири А. Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт ё мамот, ё нажод ё ҳалокат, ё саодат ё фалокат”<sup>4</sup> деган афоризмида ҳам метафизик ёндашув кузатилади. (чунки фан, таълим ҳам тарбиядан кам бўлмаган ҳаёт ва мамот масаласидир) Дарҳақиқат, комил инсон нафақат тарбияли яъни хулқ – атвори гўзал, ҳеч кимга зарар келтирмайдиган хушмуомила бўлиши баробарида бирон касбни тўлиқ эгаллаган, илмга интилувчан бу дунёни деб у дунёни у дунёни деб бу дунёни унутмайдиган бунёдкор шахс бўлиши шарт.

Ҳаётда тарбияли, ҳеч кимга фойда келтирмайдиган, бирон ишга аралашсам “хато қилиб қўяман” ёки “гуноҳга ботаман” деб жамиятдан ўзини айри тутадиган, масжит ёки уйга қамалиб олиб, бирон ҳунарга эга бўлмасдан у дунёни деб бу дунёни унутаётганлар, тарбия фақат ахлоқ ёки дин деб, фан ва меҳнатнинг тарбиявий аҳамиятига нигилистик муносабатда бўлаётганлар оз эмас.

Аслида эса тарбияли инсоннинг муҳим фазилати - унинг яратувчанлиги, инсониятга фойда келтиришидадир. Шу сабаб, муқим бир касбни эгаллаб, унинг ортидан бойлик ортираётган, ўзига ҳам ўзгаларга ҳам фойда келтираётган, тинимсиз илм излаётган (фан фидойиларини), шахс образини ёшлар орасида тарғиб қилиш тарбия, театр, санъат ходимларининг бурчи бўлиши керак. Ана шундай тарғиботгина ёшларни буюмпарастлик, шухратпарастлик, комформизм (меҳнатсиз шоҳона ҳаёт) каби болаларча сўллик касалидан асраб қолади. Ҳозирча бу йўналишда тизимли ишлар амалга ошириляпти деб бўлмайди.

Маълумки, инсоният яратган **энг буюк кашфиёт – бу фандир**. Қадимги грек олимлари томонидан асос солинган фалсафа(отаси- Фалес), математика(отаси-Пифагор), тарих( отаси-Геродот), тиббиёт( отаси-Гиппократ) фанларини пайдо бўлганига икки мингдан зиёд вақт ўтди. Шу вақтлар ичида 75мингга яқин фанлар пайдо бўлди, беш юздан ортиқ буюк кашфиётлар амалга оширилди. Шарқда иккита ренессанс(IX - XII, XIV -XVI асрлар), ғарбда иккита ренессанс(қадимги Греция ва Римда, иккинчиси XVI асрдан буён давом этмоқда) содир этилди. Ғарб ренессанси даврида ғарб фанга, шарқ тарбияга устувор аҳамият қаратди. Натижада, ғарб фашизм, демографик инқироз, оммавий маданият, бир жинсли оилалар, эгоцентризм, ксенофобия каби тарбия билан боғлиқ муаммолар гирдобиди қолди<sup>5</sup>.

Шарқда аксинча, фанга етарлича аҳамият қаратилмагани сабаб, фан ва техника соҳасида турғунлик, депсиниш ҳолатлари давом этиб келмоқда. “Фан - тинчлик ва бунёдкорликка хизмат қилиши, тадқиқотчилар инсонпарвар, фидойи

<sup>4</sup> Абдулла Авлоний “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” Т.1996 -146.

<sup>5</sup> Қаранг:Патрик Бюкенен Смерт Запада. М.2007 15стр.

ва ҳар қандай шароитда ҳам фанга содиқ қолишлари, фан ҳақиқатлари учун ўзини оловга ташлашга ҳам тайёр туришлари керак”-деган эди Нильс Бор<sup>6</sup>. Бу ўринда мутаффакир фан ва тарбияни бир бутун ижтимоий ҳодиса сифатида эътироф этади. Аммо, бугун ҳам ғарб хатосини шарқ, шарқ хатосини ғарб такрорлаётган ҳолатлар кузатиляпти. Масалан, шарққа фан ва техника ютуқлари баробарида ахлоқсизлик, оммавий маданият, эгоцентризм каби бузғунчи ғоялар ҳам кириб келаётганлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Ҳозирда қайта бошланаётган “совуқ уруш,” қуролланиш пойгасини авж олиши, оммавий қирғин қурлоллариининг такомиллаштирилаётганлиги, ядро қуролига интилаётган давлатлар сонининг ортиб бораётгани фанни тарбиядан яна узоқлашаётганини англатади. Чунки, фан тарбия ва ахлоқ измида бўлмас экан, у бузғунчиликка хизмат қилдирилиши мумкин. Шу сабаб, ядро энергиясини жиловлаш билан бевосита шуғулланувчи олимлар( Эйнштейн, Курчатов ва б.) фандан фақат ва фақат тинчлик, яратувчанлик йўлида фойдаланишга чақиришган. Аммо, бугун олимларнинг тинчлик чақирувлари нутқ ва қоғозларда қолиб кетмоқда.

Ядро қуролини қўллаш хавфи, халқаро терроризм, қуролли тўқнашувларни кўпайиши, иқлимнинг ўзгариши, ўсиб бораётган тенгсизлик, илмий тараққиётнинг салбий оқибатлари, қочқин ва муҳожирлар муаммоси –инсоният олдида турган энг жиддий хавфлардир<sup>7</sup>. Энг ёмони фанни тарбиясиз, ахлоқсиз шахсининг ҳукмига боғлиқ бўлиб қолишида. Ушбу дилеммаларга ечим излаш, уни олдини олиш илмий кашфиётдан кам бўлмаган аҳамият касб этади.

**Таълим** – тарбия ва фаннинг мавжудлик шартидир. Чунки, тарбия ва фан таълим тизими орқали ўқувчи ва тингловчиларнинг онгига сингдирилади. Агар аждодларимиз томонидан тарбия( ахлоқ) ёки табиат ва жамиятга оид билимлар тизими (фан) яратилмаганида таълим тизимига зарурат бўлмас эди. Таълим - тарбия ва фандан ташқарида бўлмайди. Таълимнинг ҳақиқий сифати – рейтинг аниқловчи ташкилотлар томонидан эмас балким фан ютуқлари ҳамда амалиётга фойда келтириши билан ўлчанади. Рейтинг мотивация учун керак, аммо у аммалиёт ўрнини эгаллай олмайди. Таълимни фан ютуқлари асосида янгиланиб, ривожланиб бориши –қонуният ҳисобланади. Шу сабаб, таълимни - рейтинг, методикага қараб эмас аксинча фан ютуқларига қараб ўзгаришда бўлиши объектив заруриятдир.

Президентимиз Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, “ Бугунги кунда дунёда инновацион ғоясиз, илм-фан ютуқларисиз биронта соҳани ривожлантириш

<sup>6</sup> Рут Мур Нильс Бор – человек учёный. М.1961 47стр.

<sup>7</sup> Қаранг: Учёные против войны.М.1994.67-74стр.

мумкин эмас.”<sup>8</sup>Бугун фанда ҳар сонияда янгилик, ҳар ойда ихтиро содир бўлиб, мавжуд билимлар тизими ҳар икки йилда янгиланаётганини ҳисобга олсак, муаммонинг илдизини англаб етамиз. Бироқ, амалда фан ортидан эмас, рейтинг, пиар ортидан қувиш, мазмунга эмас шаклга устувор аҳамият қаратиш ҳолатларини ҳам кузатиш мумкин. Албатта, рейтинг( субъектив баҳо), тарғибот керак, аммо у фанга соя солмаслиги лозим. Педагогика фанининг отаси Ян Асмос Коменский “Фан методикага эмас, методика фанга мослашиши керак”<sup>9</sup> деган ҳақли эътирозни илгари сурган.Ушбу фикрни буюк педагоглар В.А.Сухомлинский, А.С. Макаренколлар ҳам қўллаб- қуватлашган. Аммо ҳанузгача “фан ёки методика, ўқитувчи ёки методист” деган савол атрофидаги тортишувларга нуқта қўйилган эмас. Шак - шубҳасиз, илм бўлмаса ўқитувчига ҳам, методистга ҳам эҳтиёж бўлмайди. Аслида ўқитувчи – методист, методист – ўқитувчи бўлиши шарт.Уларнинг асосий мақсади – фанни қандай бўлса шундайлигича ўқувчиларга етказишдир.

Юқорида келтирилган фикрлардан кўринадики тарбия, фан ва таълим тўғрисидаги ноилмий, бир ёқлама тасаввурларнинг пайдо бўлишига асосий сабаб, улар ўртасидаги диалектик ўзаро боғлиқликнинг инкор этилишидир. Ҳулоса ўрнида, фан тарбия ва таълимнинг ҳаракатлантирувчи кучи эканлиги, фаннинг тарбия ва ахлоқ измида бўлиши, таълим эса фан ва тарбияни уйғунлаштириши лозимлигини таъкидлаш лозим.

#### **Адабиёт:**

- *История политических и правовых учений.М, 2003.*
- *Тафаккур журнали Т. 2002 3-сон, 4-9бет.*
- *Абдулла Авлоний “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” Т.1996 -14б.*
- *Патрик Бюкенен Смерт Запада. М.2007 15стр.*
- *Рут Мур Нильс Бор – человек учёный. М.1961 47стр.*
- *Учёные против войны.М.1994.67-74стр.*
- *Шавкат Мирзиёев Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.2017, 83бет.*
- *В.А.Сухомлинский О воспитании. М.1985.*
- *А.С. Макаренко Педагогические сочинения.М.1983, том1.*

<sup>8</sup> Шавкат Мирзиёев Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.2017, 83бет.

<sup>9</sup>Қаранг: В.А, Сухомлинский О воспитании. М.1985.

А.С. Макаренко Педагогические сочинения.М.1983, том1.